

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 04/30.12.2019.Tib.64.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ҚОДИРОВА ШАХЛО САЛОМОВНА

**МИОКАРД ИНФАРКТИНИ ЎТКАЗГАН, СУРУНКАЛИ ЮРАК
ЕТИШМОВЧИЛИГИ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРНИНГ
ПСИХОЛОГИК ҲОЛАТИ**

**14.00.06 – Кардиология
14.00.18 – Психиатрия ва наркологиya**

**ТИББИЁТ ФАHLАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

УДК: 616.12-008.046

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Қодирова Шахло Саломовна

Миокард инфарктини ўтказган, сурункали юрак етишмовчилиги
Билан касалланган беморларнинг психологик ҳолати..... 3

Кодирова Шахло Саломовна

Психологическое состояние больных хронической сердечной
недостаточностью, перенёвших инфаркт миокарда..... 21

Kodirova Shahlo Salomovna

The psychological state of patients with chronic heart failure who
have had myocardial infarction 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 04/30.12.2019.Tib.64.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КОДИРОВА ШАХЛО САЛОМОВНА

**МИОКАРД ИНФАРКТИНИ ЎТКАЗГАН, СУРУНКАЛИ ЮРАК
ЕТИШМОВЧИЛИГИ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРНИНГ
ПСИХОЛОГИК ҲОЛАТИ**

**14.00.06 – Кардиология
14.00.18 – Психиатрия ва наркологиya**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1160 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашининг веб-саҳифасида (www.cardiocenter.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар: **Камилова Умида Кабировна**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Алимов Улугбек Худоярович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Гадаев Абдигаффор Гадович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ашуров Зарифжон Шарифович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация химояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашининг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри Мирзо Улугбек тумани, Осиё кўчаси 4-уй. Тел./Факс (99871) 237-31-57, e-mail: info@cardiocenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100052, Тошкент Мирзо Улугбек тумани, Осиё кўчаси, 4-уй. Тел./Факс (99871)237-31-57).

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ кuni тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Р.Д. Курбанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, академик

Г.У. Муллабаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.Б. Шек

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Юрак-қон томир касалликлари (ЮҚТК) дунё бўйлаб ўлим ва ногиронликнинг асосий сабабларидан бири ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...барча ўлим ҳолатларининг 31 % и юрак-қон томир тизими касалликлари оқибатида келиб чиқади...»¹. Кўп марказли тадқиқотлар маълумотларига кўра, юрак-қон томир касаллигидан ўлим сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) бўлган беморларда кўпроқ учрайди. СЮЕ билан билан касалланган беморларда тўсатдан ўлим хавфи юрак етишмовчилиги бўлмаган беморларга нисбатан 5 барабар юқори. Сурункали юрак етишмовчилигида депрессия ҳолати беморларни такрорий касалхонага ётқизиши ва ўлим хавфини оширади, ҳамда депрессия бўлган беморларда ўлим ҳолати икки барабар кўпроқ кузатилади. Касалликнинг эрта даврларида, беморлар психологик ҳолатидаги ўзгаришларни эрта аниқлаш қийин муаммо бўлиб, анъанавий клиник-функционал усуллар билан психологик ўзгариш аломатларини аниқлаш имконини берадиган сезгир усулларни қўллаш долзарб вазифа бўлиб ҳисобланади.

Жаҳонда миокард инфарктини ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда психологик ўзгаришларининг клиник-ташхисот асослари ва уларни даволашни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда, миокард инфаркти ўтказиш сабабли ривожланган сурункали юрак етишмовчилигили беморларда юракнинг клиник-функционал хусусиятларини баҳолаш; сурункали юрак етишмовчилигининг турли шаклларида клиник-психологик ва функционал маркерларини аниқлаш; беморларда психологик усулларини қўллаган ҳолда хавотирли-депрессив жараёнларини баҳолаш тартибини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шулар билан бир қаторда миокард инфаркти ўтказган беморларда клиник-психологик жараёнларини объектив баҳолаш усулларини такомиллаштириш, ҳамда патогенетик йўналтирилган даволаш услубларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий хизмат тизимини жаҳон талабларига мослаштириш, жумладан юрак-қон томир касалликларини эрта ташхислаш орқали унинг асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва

¹ World Health Report. Geneva: World Health Organization. Available from URL: <http://www.who.int/whr/2014/en/statistics.htm>; 2014.

касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда сурункали юрак етишмовчилиги касалликларда психологик ўзгаришларини ташхислаш ва самарали даволаш тартибини такомиллаштириш ҳамда ногиронлик ва салбий оқибатларга олиб келувчи сабабларини камайтириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари доирасида VI. «Тиббиёт ва фармакология» йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қатор тадқиқотлар юрак-қон томир касалликларида ва унинг кечишида психологик ҳолатнинг таъсир механизмларини ўрганишга бағишланган (Celano С.М., 2019; Оганов Р.Г., 2019; Погосова Г.В., 2019). Сурункали юрак етишмовчилигининг шаклланиши, клиник кечиши ва прогнозида муҳим омил бўлган хавотирли-депрессив синдромлар даражасини баҳолаш терапевтик ва профилактика чораларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга (Ноев А.В., 2017; Шиндриков Р.Ю., 2019).

Сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда психологик бузилишлар хавфи юқори бўлади ва бу касаллик кечиши зўрайиши ҳамда нохуш прогноз ривожланиши хавфини оширади (Цирульникова А.Н., 2017; Krüger K, Nüßlein H. 2020). Бир қатор марказларда ўтказилган когорт тадқиқотларда сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда депрессия ҳолати 6 ойдан 4 йилгача кузатув даврида ўлим хавфини 2,02 маротаба ва такрор госпитализациялар сони 1,42 маротаба юқори эканлигини кўрсатди (Jani В.Д. 2016;). СЮЕни даволашнинг замонавий тамойилларида касаллик асоратлари ва нохуш прогнози шаклланишига таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда индивидуал ёндашув зарурати асослаб берилган (Шальнова С.А. 2019; Tsabedze N. 2021).

Ўзбекистонда юрак-қон томир касалликларида психологик ҳолатларни ташхислаш бўйича қатор, жумладан қуйидаги илмий тадқиқотлар амалга

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

оширилган: ўткир миокард инфарктида нейрофизиологик ва психологик ҳолатларни эрта ташхислаш ва даволаш усуллари ишлаб чиқилган (Ходжаев А.И., 2001), юрак ритми бузилишларида психологик ўзгаришларнинг ўзига хосликлари баҳоланган (Авезов Д.К., 2004), артериал гипертонияда неврологик ўзгаришларнинг замонавий ташхислаш усуллари ўрганилган (Махкамova Н.У., 2019), бироқ, миокард инфарктдан кейин ривожланган сурункали юрак етишмовчилигида клиник-психологик ўзгаришларнинг клиник-ташхисоти ва даволашни илмий асослашга қаратилган илмий ишлар бажарилмаган.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, миокард инфаркти сабабли ривожланган сурункали юрак етишмовчилигида психологик ўзгаришларни янги клиник-функционал тамойилларни асослаб бериш, ташхислашда психологик синамалар усуллари ва даволаш самарадорлигини такомиллаштириш долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 03.2018.PhD.007 «Бухоро ҳудуди иссиқ иқлими шароитида организмнинг патология олди ва патологик ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасига янги ёндашувларни ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган (2017–2021 й.).

Тадқиқотнинг мақсади миокард инфарктини ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда психологик ўзгаришларни эрта ташхислашда клиник-психологик предикторларни аниқлаш ҳамда даволаш услубларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

миокард инфарктини ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларнинг психологик статусининг хусусиятларини баҳолаш;

хавотирли-депрессив бузилишлар турларининг сурункали юрак етишмовчилиги кечиши билан боғлиқлигини таҳлил қилиш;

миокард инфарктини ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларнинг психологик ҳолати ва ҳаёт сифати кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликни баҳолаш;

миокард инфарктини ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда психологик ҳолатни ҳисобга олган ҳолда ноҳуш прогнознинг предикторларини аниқлаш;

миокард инфарктини ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда психологик бузилишларни даволаш усуллари такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро кардиологик диспансерида ва Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида стационар шароитда даволанган ва амбулатор кузатувда турган 220 та миокард инфарктини ўтказган I-III функционал синфли сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида сўровномалар, клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи, биокимёвий тадқиқотлар натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда клиник, психологик, лаборатор-функционал ҳамда статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

миокард инфаркти ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда касаллик юқори функционал синфида депрессив ўзгаришлар устунлиги исботланган;

миокард инфаркти ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда касаллик кечиши ва психологик ҳолатининг нохуш предикторлари аниқлаш учун дастур яратилган;

миокард инфаркти ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда хавотирли- депрессив ҳолатларда антидепрессант дори- серотонинни қайта ушловчи селектив ингибиторнинг таъсир самарадорлиги асосланган;

миокард инфаркти ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда психологик бузилишларни даволаш натижасида ҳаёт сифати кўрсаткичи яхшиланиши ва Мориски-Грин синамасы орқали дориларни қабул қилишга изчил роия қилиш тамойили ортиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

тадқиқот асосида миокард инфаркти ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги бор бўлган беморларда касаллик кечиши ва психологик бузилишларни баҳолаш учун эрта прогностик мезонлар ишлаб чиқилган;

беморларнинг психологик ҳолати, клиник-функционал кўрсаткичлар мезонлари асосида миокард инфаркти ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги бор бўлган беморлар ҳолатини прогностлаш ва кейинги даволаш усуллари қўллаш бўйича алгоритм таклиф этилган;

миокард инфаркти ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда психологик ўзгаришларнинг турини ҳисобга олган ҳолда даволаш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилганларнинг сони етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек тадқиқот натижаларининг ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мамлакатамизда миокард инфаркти ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморлар психологик ҳолатини эрта аниқлаш, хавотирли-депрессив ўзгаришлар даражасини клиник-функционал кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқлигини баҳолаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти миокард инфаркти ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда психологик ҳолати турларини эрта аниқлаш ва прогнозлаш, хавотирли-депрессив ўзгаришлар билан кечувчи беморларни даволаш тамойилларини мувофиқлаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Миокард инфаркти ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги бор бўлган беморларда психологик ўзгаришларни эрта прогнозлаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Миокард инфаркти ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда психологик ҳолат бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда хавотирли-депрессив бузилишларни эрта ташхислаш усули» мавзусида услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 23 декабрдаги 8н-д/270-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома миокард инфаркти ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги бор беморларда психологик бузилишларни эрта аниқлаш, касаллик кечиши ва прогнозни яхшилаш имконини берган.

Миокард инфаркти ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда психологик бузилишларни эрта аниқлаш, касаллик кечишини прогнозлаш ва даволашга ёндашувни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази, Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий маркази Бухоро филиали ва Бухоро шаҳар 9-сон оилавий поликлиника амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 1 июндаги 08 04/5159-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилиши миокард инфаркти ўтказган беморларда сурункали юрак юрак етишмовчилиги беморларда касалликни ва психологик бузилишларни эрта аниқлаш, клиник кечишини прогнозлаш ва даволашни оптималлаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 халқаро ва 6 республика илмий-амалий илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 27 та илмий иш, шулардан 6 та мақола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 5 та асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқот долзарблиги ва талабга мослиги, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети билан тавсифланган, республика илм-фан ва технологиянинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Миокард инфарктини ўтказган беморларда сурункали юрак етишмовчилигининг психологик-ижтимоий жиҳатлари»** деб номланган биринчи бобида миокард инфарктини ўтказган беморларда сурункали юрак етишмовчилигининг тиббий-ижтимоий аҳамияти ва психологик омилларнинг ўрни, даволаш ва профилактика ёндашувлари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **«Миокард инфарктини ўтказган, сурункали юрак етишмовчилиги бор беморларда психологик бузилишларни эрта аниқлаш методологияси»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотга киритилган беморларнинг умумий тавсифи, тадқиқот усуллари ва тадқиқот натижаларини баҳолашда фойдаланилган статистик усуллар келтирилган.

Миокард инфарктини ўтказган СЮЕнинг I, II ва III ФСли жами 220 нафар беморлар (38-60 ёшдаги эркаклар, ўртача ёши $54,51 \pm 6,89$ ёш) ташкил қилди. Миокард инфарктини ўтказган вақтнинг давомийлиги 3 ойдан 4 йилгача. Ташхис клиник ва лаборатория инструментал тадқиқотлар маълумотларига кўра аниқланди. Олти дақиқалик юриш тести (ОДЮС) бўйича беморлар Нью-Йорк кардиологлар ассоциацияси таснифи бўйича ФСларга бўлинган. ФС I бўлган беморлар 38 (17,3%), ФС II - 75 (34,1%) ва ФС III 107 (48,6%) ни ташкил қилдилар (1-расм).

Текшириш дизайни:



1-расм. Тадқиқот дизайни

Беморларнинг 158 (71,8%) анамнезида гипертония касаллиги бўлиб, унинг давомийлиги $6,9 \pm 3,1$ йилни ташкил этди. Тадқиқотга мураккаб аритмия, бош мия қон айланишининг ўткир бузилишлари, қандли диабет, ўпканинг сурункали обструктив касалликлари, жигар ва буйрак касалликлари бўлган беморлар киритилмаган.

Асосий терапиянинг тузилиши қуйидагича эди: АПФ ингибиторларини 89% беморлар, АРБлар - 11%, БАБ - 96%, диуретиклар - 39%, спиронолактон - 55%, эплеренон - 31%, аспирин - 100%, нитратлар - 31%, статинлар беморларнинг 93% қабул қилган.

Барча беморларга электрокардиограмма, клиник, функционал ва психологик текширув таҳлиллари дастлаб ва 6 ойлик кузатувдан сўнг ўтказилган. Беморларнинг клиник ҳолатини олти дақиқали юриш синамаси (ОДЮС), В.Ю. Мареев томонидан модифицирланган (2000) клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи (КХБШ) асосида баҳоланди. Ҳаёт сифати кўрсаткичи Миннесота саволномаси орқали ҳаёт сифатини (ҲС) умумий индексини (УИ) аниқлаш асосида ўрганилди.


Статистик маълумотларни қайта ишлаш учун STATISTICA-6,0 дастури ёрдамида ўрнатилган статистик ишлов бериш функцияларидан фойдаланган ҳолда, Microsoft Office Excel – 2013 дастурий тўплами ишлатилган. Биз ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача арифметикаси (M), ўртача квадрат оғиш (SD), ўртача стандарт хато (m), нисбий қийматлар (частота,%), ўртача қийматларни таққослашда олинган ўлчовларнинг статистик аҳамияти Стъюдентнинг (t) критерийси билан нормал тақсимотни (эксцесс критерийси бўйича) текширишда хатолик эҳтимолини (P) ҳисоблаш билан ва тенглиги билан генерал дисперсиялар (F - Фишер тести) орқали аниқланди. Сифат хусусиятлари бўйича гуруҳларни таққослаганда биз χ^2 мезонидан фойдаландик. Микдорий ўзгарувчилар ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш учун, Пирсоннинг чизикли корреляция коэффицентини ҳисоблаш билан корреляцион таҳлил ишлатилган. $P < 0,05$ ишончлилик даражаси статистик жиҳатдан муҳим ўзгаришлар сифатида қабул қилинди.

Диссертациянинг «**Миокард инфарктини ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда психологик ҳолати хусусиятларини баҳолаш**» деб номланган учинчи бобида миокард инфарктини ўтказган СЮЕ билан касалланган беморларнинг психологик ҳолати хусусиятлари, уларнинг касаллик клиник кечиши ва юрак функционал кўрсаткичлари билан боғлиқлиги натижалари таҳлил қилинган.

СЮЕ билан касалланган беморларда ўтказилган психологик синамалар натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, хавотирлик ва депрессиянинг (HADS) госпитал шкаласини баҳолашда, СЮЕ I ФС бўлган беморларда HADS хавотирлик кўрсаткичи $6,1 \pm 0,6$ баллни ташкил этди. СЮЕ II ва III ФС бўлган беморларда бу кўрсаткич билан мос равишда 32,6% ва 43,8% га ошиб, $6,7 \pm 0,8$ ва $7,3 \pm 0,9$ баллни ташкил этди (2-расм).

HADS депрессия кўрсаткичи СЮЕ I ФС бўлган беморларда $4,9 \pm 0,6$ баллни ташкил этди. СЮЕ II ва III ФС бўлган беморларда бу кўрсаткич $6,3 \pm 0,9$ ва

9,1±1,1 баллни ташкил этиб, I ФС беморларининг кўрсаткичлари билан мос равишда 40,3% ва 54,8% да ошгани аниқланди.



2-расм. Миокард инфарктини ўтказган, СЮЕ билан касалланган беморларда хавотирлик ва депрессия HADS госпитал шкаласи бўйича психологик ҳолатнинг кўрсаткичлари (балларда)

Шу билан биргаликда реактив (РХ) ва шахсий хавотирлик ва (ШХ) нинг Спилбергер-Ханин синамаси ҳам таҳлил қилинди: СЮЕ I ФС бўлган беморларда РХ ва ШХ 30,3±1,4 ва 33,5±2,8 баллни ташкил этди. II ФС ва III ФС бўлган беморларда РХ индекси мос равишда 36,7±2,6 ва 44,5±3,7 баллни, ШХ - 42,7±2,9 ва 49,7±4,2 баллни ташкил этди (1- жадвал).

1-жадвал


Миокард инфарктини ўтказган, СЮЕ бор беморларда реактив ва шахсий хавотирликнинг Спилбергер-Ханин шкаласи кўрсаткичлари

Психологик тестлар	I ФК (n= 30)	II ФК (n= 65)	P I-II	III ФК (n= 91)	P I-III
Спилбергер-Ханин РХ	30,3±1,4	36,7±2,6	-17,4% (p<0,05)	44,5±3,7	-31,9% (p<0,01)
Спилбергер-Ханин ШХ	33,5±2,8	42,7±2,9	-21,5% (p<0,05)	49,7±4,2	-32,6% (p<0,001)

Гамильтон хавотирлик шкаласи (HARS)нинг таҳлили шуни кўрсатдики, СЮЕ I ФС бўлган беморларда хавотирлик 8,9±1,9 баллни ташкил этган. II ва III ФС бўлган беморларда хавотирлик индекси мос равишда 10,8±1,1 ва 14,4±1,2 баллни ташкил этди, бу еса СЮЕ I бўлган беморлар кўрсаткичларидан мос равишда 33,3 ва 28% га ошиб кетганлиги аниқланди.

Цунг шкаласи бўйича депрессия индексини баҳолаш шуни кўрсатдики, СЮЕ III ФС беморларида оғир депрессив бузилишлар устунлик қилиб $65,1 \pm 4,6$ баллни ташкил этиб, I ва II ФС билан беморлар кўрсаткичларидан 1,4 ва 1,7 мартага ошиб кетганлиги аниқланди.

Психологик ҳолатни баҳолаш маълумотларини умумлаштирган ҳолда, СЮЕ билан касалланган беморларда 69 (37,2%) беморда хавотирлик, 56 (30,1%) беморларда депрессив бузилишлар аниқланган. Хавотирли-депрессив бузилишларни биргаликда учраши эса 32,7% ни ташкил қилди (3-расм).



3-расм. Миокард инфарктини ўтказган, СЮЕ билан касалланган беморларда психологик бузилишларнинг учраши (% да)

Психологик бузилишлар касалликнинг оғирлиги билан боғлиқлиги кузатилди: СЮЕ I-II ФС беморларида хавотирли бузилишлар, III ФС билан касалланган беморларда эса депрессив бузилишлар устунлиги намоён бўлди: СЮЕ I ФС беморларида хавотирлик кўрсаткичи 55,6%ни, депрессия 19,4% ташкил қилди, III ФС беморларида депрессия - 65%, хавотирлик - 14,4% беморларда кузатилди.


Депрессиянинг енгил кечиши беморларнинг 43,7%да, ўртача оғирликда кечиши - 31,5% ва оғир кечиши 24,8% беморларда аниқланди.

СЮЕ бор беморларда психологик статуснинг хусусиятларини ўрганиш психологик ҳолат кўрсаткичлари ва касалликнинг ривожланиб бориши ўртасида ўзаро боғлиқлигини кўрсатди: I ФС (19,4%) беморларга нисбатан III ФС (39,8%) бўлган беморларда кўпинча депрессия устунлиги билан оғир бузилишлар аниқланади.

Бирламчи МИ ўтказган беморлар 115 (52,3%) ва такрорий МИ ўтказган беморлар 105 (47,7%) ни ташкил этди. Психологик ҳолатнинг бузилиши бирламчи МИ ўтказган 81(70,4%) беморларда, такрорий МИ ўтказган 97(92,4%) беморларда аниқланди. Ушбу гуруҳдаги беморларнинг психологик ҳолат кўрсаткичларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, бирламчи МИ ўтказган беморларда хавотирли бузилишлар устун бўлиб, улар 51(62,9%) беморда

учради. Такрорий МИ ўтказган беморларда депрессив бузилишлар 54(55,7%) кўпроқ кузатилиб, у бирламчи МИ ўтказган беморлар гуруҳига нисбатан 2,1 мартага юқори бўлди. Ушбу гуруҳдаги беморларда хавотирли-депрессив бузилишларнинг биргалиқда учраши 26,8% ни ташкил қилди.

СЮЕ бор беморларда психологик ҳолатнинг параметрлари ёшга боғлиқ ҳам таҳлил қилинди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, 38-45 ёшдаги беморларда хавотирли бузилишларнинг учраши 60,3% ташкил қилса, 46-60 ёшдаги беморларда эса депрессив бузилишлар 36,1% ($p < 0,05$) ва хавотирли - депрессив бузилишларнинг биргалиқда учраши 43,5% ($p < 0,01$)да учраши билан устунлик қилиб, ушбу параметрлар мос равишда 38-45 ёшдаги беморлар гуруҳига нисбатан 1,5 ва 2,8 баравар юқорилигини кўрсатди (4-расм).



Изоҳ * - $p < 0,05$; ** - $p < 0,01$ гуруҳлар орасида

4-расм. Миокард инфарктини ўтказган, СЮЕ билан касалланган беморларда психологик ўзгаришларнинг ёшга нисбатан учраши (%да)

Юрак ритмининг бузилиши (ЮРБ) бўлган беморларнинг психологик ҳолати хусусиятларини ўрганиш мақсадида СЮЕ бор 67 беморда ЭКГХМ ўтказилди: асосий синус ритмининг параметрлари, аритмиянинг учраш частотаси ва турлари баҳоланди. Юқори сифатли ёзувнинг давомийлиги 16 дан 24 соатгача ўзгариб, ўртача $20,9 \pm 1,4$ соатни ташкил қилди.

Ўртача юрак қисқариш сони 58 дан 88 тагача/ дак., ўртача тунги юрак қисқариш сони эса 49 дан 74 тагача/дак. ўзгариб турди. 71 (75,5%) беморда қоринчалар экстрасистолияси (ҚЭ) аниқланди. 39 (41,5%) ҳолатда яқка ҚЭ, 12 (12,8%) ҳолат политоп ҚЭ аниқланди. Беморларнинг 20 (21,3%)да экстрасистолия сони соатига 10 дан ошиб, шундан 5 (5,3%) ҳолатда жуфтлашган ҚЭ (4а градация) ва 3 (3, 2%) – гуруҳлашган ҚЭ (4б градация) аниқланди - бу беморлар потенциал хавфли қоринча аритмиялари (ПХҚА) бўлган гуруҳни ташкил этди. Суправентрикуляр экстрасистолия 29 (30,8%) беморда аниқланиб, улардан тез-тез суправентрикуляр экстрасистолияси 3 (3,1%) беморда кузатилди. Шундай қилиб, ЭКГХМ натижаларига кўра

текширилаётган беморларнинг 79,8% да юрак аритмиялари, улардан ПХҚА-21,3% ҳолларда аниқланди.

Юрак аритмияси бўлган беморларда психологик ҳолатнинг хусусиятларини ўрганиш шуни кўрсатдики, юрак ритми бузилишлари бўлган беморларда юрак ритми бузилиши бўлмаган беморлар гуруҳига нисбатан психологик бузилишлар кўпроқ учради. ҚЭ бўлган беморларда HADS хавотирлик кўрсаткичи $8,7 \pm 0,9$ баллни ва Гамильтон хавотирлик шкаласи $21,9 \pm 4,7$ баллни ташкил этди. Юрак ритми бузилишида ҚЭ бўлган беморларда депрессив бузилишлар Цунг депрессия шкаласи бўйича $69,7 \pm 7,3$ ни ташкил этган, бу эса яқка ҚЭ бўлган беморларга нисбатан 1,2 баробар кўпдир.

СЮЕ ҚЭ билан бўлган беморларда хавотирлик кўрсаткичи 76,6% ни ташкил этган ва юқори градацияли ҚЭ гуруҳига нисбатан ишончли даражада юқори бўлган. Беморларнинг бу гуруҳида хавотирли- депрессив бузилишлар 6,4% ни ташкил этди. Потенциал хавфли қоринчалар аритмияси бўлган беморларда депрессив бузилишлар 55% ни ташкил этган ҳамда хавотирлик ва депрессив бузилишларнинг бирга учраши ҚА гуруҳига нисбатан 4 марта юқори бўлган.

Бўлмачалар фибрилляцияси (БФ) билан 32 бемор аниқланган. Беморларнинг бу гуруҳида психологик статус кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатдики, хавотирлик 55,6% беморларда, депрессия 31,1% беморда, хавотирли- депрессив бузилишлар бирга учраши 13,3% беморларда учради.

Шундай қилиб, СЮЕ билан касалланган беморлар психологик ҳолатини ўрганиш натижасида 84,5% беморларда касалликнинг оғирлик даражаси билан боғлиқ хавотирли-депрессив бузилишлар аниқланди: СЮЕ нинг I- II ФС бўлган беморларда хавотирли бузилишлар ва III ФС беморларда депрессив бузилишлар устунлик қилди.

ОДЮС натижаларига кўра СЮЕ I ФС билан текширилган беморларда жисмоний юкламага толерантлик кўрсаткичлари $454,3 \pm 10,9$ метрни ташкил этди. СЮЕ II ва III ФС бўлган беморларда мос равишда $370,6 \pm 11,1$ ва $182,9 \pm 13,6$ метрни ташкил этиб, СЮЕ I ФС бўлган беморларнинг ОДЮС кўрсаткичларига нисбатан 18,4% ва 50,6% га камайган.

Беморларнинг клиник ҳолати КХБШ асосида баллар йиғиндисига қараб баҳоланди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, СЮЕ I ФС беморларда клиник ҳолатнинг дастлабки кўрсаткичлари мос равишда $3,8 \pm 1,2$ баллни ташкил этди. СЮЕ II ФС беморларда ушбу кўрсаткич мос равишда $5,9 \pm 1,1$ баллни ташкил этиб, СЮЕ I ФС беморларнинг кўрсаткичларига нисбатан 25% ($p < 0,05$) га ошиши билан характерланади. СЮЕ III ФС беморларида бу кўрсаткич $7,7 \pm 2,4$ балл ($P < 0,001$) ни ташкил этди.

Миннесота сўровномасига кўра беморларнинг ҳаёт сифатининг (ХС) дастлабки кўрсаткичлари шуни кўрсатадики, СЮЕ I ФС беморларда ХС умумий индекси (УИ) $37,3 \pm 4,8$ балл, СЮЕ II ФС беморларида бу кўрсаткич - $51,6 \pm 6,47$ ва СЮЕ III ФС беморларида $47,1 \pm 5,36$ баллни ташкил қилди, шу билан бирга ушбу кўрсаткичнинг ОДЮС натижалари билан ишончли тесқари ($p = -0,72$) боғлиқлиги аниқланди.

СЮЕ бор беморларнинг клиник ва психологик ҳолати боғлиқлигини ўрганиш давомида депрессив ва ҳамда хавотирли- депрессив бузилишлар биргаликда келган беморларда ОДЮС натижаларига кўра жисмоний юкламагага толерантлик кўрсаткичлари $246,8 \pm 12,3$ ва $263,2 \pm 18,3$ метрни ташкил этди ва хавотирли бузилишлар бўлган беморлар кўрсаткичи - $325,8 \pm 14,3$ метрга нисбатан ишончли даражада паст эканлиги кузатилди. Сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда депрессиянинг юзага келиши клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи бўйича ($r = 0,46$; $P < 0,05$) ва ОДЮС ($r = 0,49$; $p < 0,05$) кўрсаткичлари бўйича клиник белгиларнинг оғирлигига мутаносиб эди.

СЮЕ бор беморларда юракнинг чап қоринча ремоделланиш жараёнини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, СЮЕ дастлабки босқичларида адаптацион жараёнлар натижасида беморларда юрак отилиш фракцияси (ОФ) сақланиб қолди. СЮЕ бор II ФС бўлган беморларда касалликнинг ривожланиши билан ОФ кўрсаткичлари 14,5% га ($p < 0,01$) пасайиши кузатилди. Шу билан бирга III ФС беморларида ОФ кўрсаткичини I ФС беморларга нисбатан 31,5% ($p < 0,05$) га ишончли камайгани кузатилди.

СЮЕ билан касалланган беморларда психологик ҳолатнинг хусусиятлари ОФ кўрсаткичига боғлиқ таҳлил қилинганда СЮЕ оралиқ ОФ (СЮЕоОФ) ва паст ОФ (СЮЕпОФ) ли беморларда ОФ сақланган (СЮЕсОФ) беморларга нисбатан хавотирлик ҳамда депрессия кўрсаткичларининг ишончли даражада юқорилигини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга СЮЕпОФ беморларда эса депрессив бузилишлар устунлиги аниқланди.

Шундай қилиб, СЮЕнинг ривожланиб бориши жисмоний юкламага толерантликнинг пасайиши, ҳаёт сифати кўрсаткичларининг ёмонлашуви билан кузатилиб, уларда психологик ҳолатнинг яққол бузилишлари билан бирга кечди. СЮЕ бор беморларда психологик ҳолат хусусиятлари миокард қисқарувчанлиги қобиляти кўрсаткичлари билан биргаликда СЮЕпОФ бор беморларда депрессив бузилишларнинг устунлиги билан характерланди.


Диссертациянинг «**Миокард инфарктини ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда психологик бузилишларни даволаш самарадорлигини баҳолаш**» деб номланган тўртинчи бобида миокард инфарктини ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда психологик бузилишларни даволаш натижалари таҳлил қилинган.

СЮЕда даволаш самарадорлигини ўрганиш мақсадида беморлар 2 та гуруҳга ажратилди: 1- гуруҳни СЮЕ бор 95 та беморлар ташкил қилиб, улар оптимал медикаментоз терапия (ОМТ) қабул қилишди, 2 - гуруҳни СЮЕ бор 90 та беморлар ташкил қилиб, ОМТ билан биргаликда флуоксетин дориси дозасини индивидуал равишда танлаб, қунига 20 - 40 мг 1 маҳал тавсия этилди.

Биринчи гуруҳда 6 ой давомида олиб борилган ОМТ натижасида I ва II ФС СЮЕ бор беморларда ўртача артериал кон босим (АҚБ) сезиларли даражада 21,5% ва 20, 8% га камайди ($p < 0,01$), юрак қисқариш сони (ЮҚС) эса мос равишда дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 22,1% ($p < 0,01$) ва 22,8% ($p < 0,01$) га камайди. III ФС СЮЕ бор беморларда ҳам ўртача АҚБ ва ЮҚС мос равишда

дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 17,9% (p <0,01) ва 28,7% (p <0,01) га камайди. Иккинчи гуруҳда I ва II ФС СЮЕ бор беморларда сезиларли даражада ўртача АҚБ 24 % ва 23,4% (p <0,01)га камайди, ЮҚС эса дастлабки кўрсаткичларга нисбатан мос равишда 17,7% ва 20,9% (p <0,01) га камайди. Иккинчи гуруҳдаги III ФС СЮЕ бор беморларда ўртача АҚБ ва ЮҚС дастлабки кўрсаткичларга нисбатан мос равишда 17,4 ва 26,7% (p <0,01) га камайиши кузатилди.

Беморларда психологик ҳолатнинг кўрсаткичлари динамикаси шуни кўрсатдики, ОМТ қабул қилган биринчи гуруҳ беморларида, ҳамда ОМТ ва флуоксетин қабул қилган 2 гуруҳ беморларда психологик кўрсаткичларнинг ижобий динамикаси кузатилди. Юқори ижобий ўзгаришлар II-III ФС СЮЕ бор беморларда кузатилди. Депрессив бузилишларнинг оғирлик даражаларини ўрганиш 6 ойлик даволанишдан сўнг оғир депрессияли беморлар сони 1-гуруҳда 1,3 мартага ва 2-гуруҳ беморларида 1,8 мартага камаганини кўрсатди, бу эса ўртача ва енгил депрессияли беморлар улушининг ортиши натижасида юзага келди (5 - расм).




5-расм. Миокард инфарктини ўтказган, СЮЕ билан касалланган беморларда психологик ҳолат кўрсаткичлари динамикаси (%да)

1-гуруҳ СЮЕ I ФС беморларда олти ой даволашдан сўнг касалликнинг клиник кечишини таҳлили шуни кўрсатдики, ОДЮС кўрсаткичи 18% яхшиланди. II-III ФС бўлган беморларда ОДЮС натижалари дастлабки кўрсаткичлар билан таққослаганда мос равишда 29,3 ва 31,5% га (p <0,01) ошди. Олти ойлик ОМТ фониди СЮЕ учала ФСлари бўйича баҳоланган беморларнинг клиник ҳолати ҳам сезиларли даражада, яъни, 24,5%, 33,6% ва 36,2% га (p <0,01) яхшиланди. 2-гуруҳ беморларида ОМТ билан флуоксетин препаратини қўллаш натижасида СЮЕ I ФС бўлган беморларда жисмоний юкламага толерантлик 6 ойдан сўнг ОДЮС натижалари дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 23,9% га (p <0,001) яхшиланди. СЮЕ II - III ФС бўлган беморларда эса ОДЮС кўрсаткичлари дастлабки кўрсаткичларга

нисбатан 32,4% ($p < 0,001$) ва 36,2% га ишончли яхшиланди. Бу ўз навбатида беморлар клиник ҳолатини яхшиланиши билан кечди ва СЮЕ I - III ФС беморларида КХБШ кўрсаткичлари даволашгача бўлган кўрсаткичлардан 29,3% ($p < 0,01$), 39,1 ва 37,1% ($p < 0,001$) га яхшиланди.

1- гуруҳ СЮЕ I ФС билан касалланган беморларда 6 ойлик даволанишдан сўнг ХС УИ $27,7 \pm 2,8$ баллни ташкил этди, бу дастлабки кўрсаткичдан 20,8% яхшиланишини кўрсатди. 2- гуруҳдаги СЮЕ I ФС беморларда даволашдан сўнг бу кўрсаткич $24,1 \pm 2,2$ баллни ташкил этди ва бу дастлабки кўрсаткичга нисбатан 30,3%га ($p < 0,001$) камайган. СЮЕ II-III ФС бўлган беморларда 1- гуруҳда ХС УИ яхшиланиши 28,8% ($p < 0,01$), 31,3% ($p < 0,01$)ни ва 2 гуруҳда 30,8% ($p < 0,01$) ва 41,7%ни ($p < 0,001$) ташкил қилди.

СЮЕ билан касалланган беморларда Мориски-Грин синамаси орқали дориларни қабул қилишга изчил риоя қилиш тамойили ўрганилди. Олинган натижаларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, 87,9% беморлар дориларни қабул қилишга изчил риоя қилмаган ва бу ҳолат кўпроқ депрессив бузилишлар мавжуд беморларда кузатилган. Беморлар билан ўтказилган тушунтириш суҳбатлар ва олти ой даволаниш натижасида беморларнинг 1-гуруҳида дориларни қабул қилишга изчил риоя қилиш кўрсаткичи 53,5% га ва 2-гуруҳида 88,9%га етди (6-расм).



Изоҳ: * - $p < 0,05$; ** - $p < 0,01$ дастлабки кўрсаткичга нисбатан

6-расм. Миокард инфарктини ўтказган, СЮЕ билан касалланган беморларда Мориски-Грин синамаси бўйича даволанишга изчил риоя қилиш кўрсаткичлари (балл)

Диссертациянинг «**Миокард инфарктини ўтказган беморларда сурункали юрак етишмовчилигининг нохуш кечиши хавфини башорат қилиш**» деб номланган бешинчи бобида миокард инфарктини ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда касаллик кечиши ва психологик ҳолатининг нохуш предикторлари аниқлаш усуллари ёритилган.

Миокард инфарктини ўтказган СЮЕ билан касалланган беморларда касаллик кечиши ва психологик ҳолатининг нохуш предикторлари аниқлаш мақсадида индивидуал клиник мезонлар ва психологик ҳолат кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда диагностик жадвал тузилди. Бу кўрсаткичларнинг аҳамиятини баҳолаш мақсадида белгилар эҳтимоллигини аниқлаш назариясига асосланган Байес усулидан фойданилди. Бу усулни қўллаган ҳолда белгилар қийматини диагностик коэффициентларини аниқлаш ва прогнозлаш имконидан фойданилди. Хар бир диагностик мезоннинг аҳамияти, диагностик қиймати ва прогноз аҳамиятини баҳолаш асосида математик модель яратилди ва у касаллик кечиши ҳамда психологик ҳолатининг нохуш предикторлари аниқлаш учун дастур яратишга асос бўлди (7-расм).

Миокард инфарктини ўтказган СЮЕ билан касалланган беморларда касаллик кечиши прогнозини аниқлаш учун энг сезгир белгилар бўлиб, ОДЮС кўрсаткичининг 150 метрдан кам ва КХБШ кўрсаткичининг 8,5 баллдан юқори бўлиши, госпитал HADS шкаласи бўйича хавотирлик ва депрессия кўрсаткичининг 11 дан юқори, Гамильтон хавотирлик шкаласи (HARS) кўрсаткичи 29 балл ва Спилбергер-Ханин хавотирлик шкаласи кўрсаткичлари 46 баллдан юқори, Цунг депрессия шкаласи кўрсаткичлари 70 баллдан юқори бўлиши ҳисобланди.

Кўрсаткичлар:			
СЮЕ функционал синфи:		Депрессия госпитал шкаласи:	
<input type="radio"/> I	<input type="radio"/> II	<input type="radio"/> III	<input checked="" type="radio"/> IV
		<input type="radio"/> 7 гача	<input checked="" type="radio"/> 8-11
		<input type="radio"/> 11 дан ортик	
ОДЮС кўрсаткичлари:		Гамильтон хавотирлик шкаласи:	
<input type="radio"/> 426-550 метр	<input type="radio"/> 150-300 метр	<input type="radio"/> 6 гача	<input type="radio"/> 14-20
<input type="radio"/> 301-425 метр	<input checked="" type="radio"/> 150 метрдан кам	<input type="radio"/> 7-13	<input checked="" type="radio"/> 21-28
КХБШ бўйича баҳолаш:		Спилбергер-Ханин хавотирлик шкаласи:	
<input type="radio"/> 3,5 гача	<input checked="" type="radio"/> 5,8-8,5	<input type="radio"/> 30 гача	<input checked="" type="radio"/> 31-45
<input type="radio"/> 3,5-5,5	<input type="radio"/> 8,5 дан ортик	<input type="radio"/> 46 дан ортик	
Хавотирлик госпитал шкаласи:		Цунг депрессия шкаласи:	
<input type="radio"/> 7 гача	<input type="radio"/> 8-11	<input checked="" type="radio"/> 11 дан ортик	<input type="radio"/> 50 гача
		<input type="radio"/> 60-69	
		<input checked="" type="radio"/> 70 дан ортик	
Балл	СЮЕ хавфи:	Башорат:	Эслатмалар:
24	юқори	нохуш прогноз	1. Ушбу дастур тиббиётда.

7-расм. Миокард инфарктини ўтказган, СЮЕ билан касалланган беморларда касаллик кечишини аниқлаш учун дастур-калькулятор

Ушбу дастур - калькулятордан мобил илова сифатида ҳам фойдаланиш мумкин ва шифокорлар томонидан беморлар ҳолати баҳоланиб, мақсадли тавсияларни бериш мумкин. Миокард инфарктини ўтказган СЮЕ билан касалланган беморларни клиник-психологик ҳолатини эрта аниқлаш уларни мақсадли даволаш ва реабилитация усулларини биргаликда қўллаш имконини беради ва касалликнинг кечишини, беморлар ҳаёт сифати ва прогнозини яхшилашга ёрдам беради.

ХУЛОСА

«Миокард инфарктини ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги бор беморларнинг психологик ҳолати» мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар олинди:

1. Миокард инфарктини ўтказган СЮЕ бор беморларнинг 84,5% ида хавотирли – депрессив бузилишлар кузатилиб, улар касалликнинг оғирлиги билан асоцирланди: СЮЕ нинг I-II ФС бор беморларда хавотирли бузилишлар, III ФС беморларида эса депрессив бузилиш ҳолатлари устунлик қилди. Хавотирли бузилишлар 69 та (37,2%) беморда, депрессив бузилишлар 56 та (30,1%) беморда кузатилди. Хавотирли – депрессив бузилишларнинг биргаликда учраши 32,7 % ни ташкил қилди.

2. Миокард инфарктини ўтказган СЮЕ бор беморларда депрессив бузилишлар ва клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи бўйича клиник белгиларнинг ифодаланиши орасида корреляцион боғлиқлик ($r = 0,56$; $p < 0,05$), ҳамда олти минутли юриш синамаси кўрсаткичлари орасида эса тескари боғлиқлик ($r = -0,69$; $p < 0,05$) қайд этилди. 38-45 ёшдаги беморларда хавотирли бузилишлар 60,3% ни ташкил этган бўлса, 46-60 ёшдаги беморларда депрессив бузилишлар устунлик қилиб - 36,1%ни ва хавотирли-депрессив бузилишларнинг биргаликда учраши - 43,3%ни ташкил қилди, бу 38-45 ёшдаги беморлар гуруҳидаги ушбу кўрсаткичларга нисбатан 1,5 ва 2,8 марта юқоридир.

3. Юрак ритмининг бузилиши билан кечган СЮЕ билан касалланган бор беморларда хавотирли бузилишларни учраши 76,6% ни ташкил қилди. Потенциал хавфли қоринчалар аритмияси бор беморларда депрессив бузилишлар устунлик қилиб, 55% ни ташкил қилди ва хавотирли – депрессив бузилишларнинг биргаликда учраши қоринчалар аритмияси бор беморларга нисбатан 4 баравар юқори бўлди.

4. Миокард инфарктини ўтказган СЮЕ бор беморларда оптимал медикаментоз терапия билан антидепрессант дори - флуоксетинни қўллаш хавотирли бузилишларни 98% га, депрессив бузилишларни эса 79% га камайтирди. Уларнинг биргаликда учраши 12% гача камайди. Ушбу гуруҳда касаллик клиник белгиларининг КХБШ бўйича 25 % га, ОДЮСни 21% га, ҲС кўрсаткичини 30% га яхшиланиши кузатилди.

5. Миокард инфарктини ўтказган СЮЕ бор беморларда дори қабул қилишга изчил риоя қилиш кўрсаткичи Мориски-Грин синамаси ёрдамида баҳоланганда 178 нафар (80,9%) беморлар кўрсатмаларга риоя қилмагани аниқланди ва уларнинг 30,3% да депрессив бузилишлар, 32% да эса хавотирли – депрессив бузилишларнинг биргаликда учраши кузатилди. Беморлар билан ўтказилган тушунтириш суҳбатлар ва олти ой даволаниш натижасида беморларнинг дориларни қабул қилишга изчил риоя қилиш кўрсаткичи оптимал медикаментоз терапия қабул қилган беморлар гуруҳида 53,5% га ва оптимал медикаментоз терапия билан флуоксетин қабул қилган беморлар гуруҳида 88,9%га етди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ
DSc.04/30.12.2019.Tib. 64.01. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ МЕДИЦИНСКОМ
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ КАРДИОЛОГИИ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

КОДИРОВА ШАХЛО САЛОМОВНА

**ПСИХОЛОГИЧЕСКОЕ СОСТОЯНИЕ БОЛЬНЫХ
ХРОНИЧЕСКОЙ СЕРДЕЧНОЙ НЕДОСТАТОЧНОСТЬЮ,
ПЕРЕНЁСШИХ ИНФАРКТ МИОКАРДА**

14.00.06 – Кардиология

14.00.18 – Психиатрия и наркология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.2.PhD/Tib1160

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский английский(резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.cardiocenter.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научные руководители:	Камилова Умида Кабировна доктор медицинских наук, профессор
	Алимов Улугбек Худоярович доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Гадаев Абдигаффор Гадоевич доктор медицинских наук, профессор
	Ашуров Зарифжон Шарифович доктор медицинских наук, профессор
Ведущая организация:	Ташкентский педиатрический медицинский институт (Узбекистан)

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2021 года в _____ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре кардиологии (Адрес: 100052, г.Ташкент Мирзо Улугбекский район, ул. Осиё 4. Тел./Факс (99871)237-31-57, e-mail: info@cardiocenter.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического центра кардиологии (зарегистрирована № _____). Адрес: 100052, г.Ташкент Мирзо Улугбекский район, ул. Осиё 4. Тел./Факс (99871)237-31-57.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2021 года.

Реестр протокола рассылки № _____ от «_____» _____ 2021 года.

Р.Д. Курбанов

Председатель разового научного совета на основе научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, академик

Г.У. Муллабаева

Ученый секретарь разового научного совета на основе научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

А.Б. Шек

Председатель научного семинара при разовом научном совете на основе научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (PhD) диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Сердечно-сосудистые заболевания (ССЗ) являются одной из ведущих причин смерти и инвалидизации во всем мире. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ) «... 31% всех смертей вызван заболеваниями сердечно-сосудистой системы...»³. По данным крупных исследовательских центров, смертность от кардиоваскулярной патологии (КВП) чаще встречается у пациентов с хронической сердечной недостаточностью (ХСН). Риск внезапной смерти у пациентов с ХСН в 5 раз превышает показатель лиц, не страдающих сердечной недостаточностью. У пациентов с хронической сердечной недостаточностью при наличии выраженных депрессивных нарушений повышается риск повторных госпитализаций и смертельных исходов: лица с депрессией попадают в лечебные учреждения и умирают в 2 раза чаще. На ранних стадиях заболевания раннее выявление изменений психологического состояния пациентов является сложной проблемой, а использование чувствительных методов, позволяющих выявить симптомы психологических изменений традиционными клинико-функциональными методами, считается актуальной задачей.

С особым вниманием к научным исследованиям, направленным на совершенствование клинико-диагностической основы психологических изменений у пациентов с хронической сердечной недостаточностью, перенесших инфаркт миокарда в мире, и их лечению, определение клинико-психологических и функциональных маркеров при различных формах хронической сердечной недостаточности; ведутся научные исследования по разработке методики оценки тревожно-депрессивных процессов у пациентов с использованием психологических методов. Наряду с этим, приобретает важное значение оптимизация объективных методов оценки клинико-психологических процессов и разработка методов лечения, направленных на патогенез у больных перенесших инфаркт миокарда.

Развитие медицинской отрасли нашей страны ставит ряд задач, направленных на адаптацию медицинской системы к требованиям мировых стандартов, в том числе осуществляются широкомасштабные меры направленные на снижение осложнений от сердечно-сосудистых заболеваний путем улучшения ранней их диагностики. В этом направлении по коренному совершенствованию системы здравоохранения поставлены ряд задач «...повышение эффективности, качества и популярности медицинской помощи в нашей стране, а также внедрение высокотехнологичных методов ранней диагностики и лечения заболеваний, создание патронажной службы, поддержка здорового образа жизни и профилактика заболеваний...»⁴. При выполнении

³ World Health Report. Geneva: World Health Organization. Available from URL: <http://www.who.int/whr/2014/en/statistics.htm>; 2014

⁴ Указ Президента Республики Узбекистан за № УП 5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года.

этих задач целесообразно осуществление исследований по совершенствованию диагностики психологических изменений и эффективного лечения хронической сердечной недостаточности, а также по снижению причин инвалидности и отрицательных последствий.

Данное диссертационное исследование в известной степени служит выполнению задач, определенных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», № УП 5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан», Постановлении Президента Узбекистан № ПП-3071 от 20 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017–2021 годы» и в других нормативно-правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и техники республики. Диссертационная работа была выполнена в рамках приоритетных направлений развития науки и технологий Республики Узбекистан по направлению VI «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Работа многих ученых была посвящена изучению поведенческих механизмов влияния психических расстройств на ССЗ и прогноз (Celano С.М., 2019; Оганов Р.Г., 2019; Погосова Г.В., 2019;). Оценка уровней тревожно-депрессивных синдромов, которые являются важным фактором формирования, клинического течения и прогноза при ХСН, играет важную роль в разработке лечебно-профилактических мер (Hoes A.W., 2017; Шиндрик Р.Ю., 2019).

